

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 12 август • № 32 (845)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ 20 ЙИЛ ИЧИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида:

- юқори самарали ҳаммабон бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этилди;
- самарали шошилиш тиббий ёрдам тизими яратилди;
- молиявий тизим такомиллаштирилди;
- соғлиқни сақлашнинг барқарор ва рақобатбардош нодавлат тармоғи яратилди;
- оналар ва болалар учун тиббий хизматлар яхшиланди.

Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида соғлом авлодни дунёга келтириш вазифаси бош масалага айланди. Шу муносабат билан юртимизнинг барча ҳудудларида **замонавий «Она ва бола» скрининг ва перинатал марказлари** барпо этилди.

Юртбошимиз 2010 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, ўз нутқларида сўнгги йигирма йил ичида **оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ ва болалар ўлими эса 3 баробарга камайгани, инсонларнинг ўртача умр кўриш ёши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриш ёши эса 75 ёшга ошганини** таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа Ҳудудий комиссиясининг Москва бўлиб ўтган 60-сессиясида Ўзбекистон ва Швейцарияни ушбу нуфузли ташкилотнинг **Ижроия кўмитаси аъзоллигига бир овоздан сайлашди**. Энди Ўзбекистон нафақат ўз минтақасини, балки бутун дунё манфаатларини жаҳоннинг энг йирик халқаро ташкилоти олдидан ҳимоя қила олиш ваколатига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан умумий қувватлантирувчи махсус поливитаминлар харид қилиш учун **Давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилди**. Шу тариқа, **Ўзбекистон дунёда биринчилардан бўлиб**, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни поливитаминлар билан бепул таъминлашга эришди.



Истиклол берган имконият туфайли ҳар қандай касалликни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш ишлари замонавий кўринишда намоён бўлмоқда. Айниқса, рақамли ультратовуш ташхислаш усуллари амалиётга кенг жорий этилиши аҳоли саломатлигини яхшилашда ўз самарасини бермоқда.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими ишлаб чиқилди ва қатор ижобий ўзгаришларга эришилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги туб ўзгаришлар

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли соғлиғини сақлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш ҳамда уларга имтиёзлар яратиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши чора-тадбирларни кучайтириш, аҳоли тиббий маданияти, билим савиясини кўтариш, диагностика ва даволашда юксак технологияларни жорий этиш, шунингдек, тиббиётнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш давлат сиёсатининг асосий томоилларидан бири ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг асосий йўналиши бу қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришдан иборат. Республикадаги талабга жавоб бермайдиган 118 та қишлоқ жойларидаги бирламчи даволаш-профилактика муассасалари фаолияти тугатилиб, улар ўрнида янги, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 44 та стационар, 244 та амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритмоқда. Шулардан 186 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига бирламчи тиббий санитар ёрдамини кўрсатмоқда. Ўз ўрнида аҳолининг мазкур шифо масканларига бўлган ишончи ва эътибори ортмоқда.

Ҳозирги кунда республикада қишлоқ аҳолисига 186 та қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатаётган бўлса, уларнинг 65 таси эса мавжуд даволаш-профилактика муассасаларини қайта реконструкция қилиш ҳисобидан ташкил этилиб, республиканинг 844688 (50,2 фоиз) аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида 2004 йили «Саломатлик-1» лойиҳаси маблағи ҳисобидан 108 та қишлоқ врачлик пункти 1 миллиард 673 миллион 641 минг сўм ҳажмда тиббий ускуна ва анжомлар

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан жиҳозланган бўлса, «Саломатлик-2», «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари доирасида 2006-2011 йиллари 77 та қишлоқ врачлик пункти 928 миллион 780 минг сўм ҳажмида тиббий асбоб-ускуна ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Шу билан бирга, 186 та қишлоқ врачлик пунктининг моддий-техник базаси, демографик кўрсаткичлари ва тиббий хизмат сифати мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, 2009-2010 йиллари республика бўйича 20 та ҚВП намунавий қишлоқ врач-

лардаги бўлимлари Жанубий Корея Республикасида ишлаб чиқарилган 7 та «Hyundai», Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 72 та «Дамас» русумли санитар автотранспортлари билан таъминланди. Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали Ислохотлар банкни маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 964 миллион сўм ҳажмидаги ва туманлардаги бўлимлари Кувейт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 миллиард 342 миллион сўм миқдордаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритил-

риш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли Қарорлари бу йўналишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда профилактик соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, энг аввало, қишлоқ ҳудудларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли ҳаракатини амалга ошириш бўйича махсус қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 156-сонли қарори фикримизнинг яққол исботидир. Мазкур қарорнинг ижроси юзасидан оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, шунингдек, соғломлаштириш ҳафталикларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, республиканинг қишлоқ туманларида истиқомат қилувчи ҳомиладор аёллар таркибида витаминлар ва минераллар мавжуд умумий қувватлантирувчи «Компливит-Мама-30» махсус поливитамин комплекси билан таъминланмоқда. Ҳисобот даврида 5975 нафар ҳомиладорга 9796 қўти поливитаминлар тарқатилди. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш мақсадида контрацептив воситаларнинг барча турларидан самарали фой-

қуиш станциясининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 4 миллиард 114 миллион сўм ҳажмидаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ўтказилаётган ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос миллий модели такомиллашиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошди. Республикада туғилиш кўрсаткичи 1991 йилда ҳар минг аҳолига 35,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб туғилиш кўрсаткичининг 23,2 фоизга камайиши қайд этилган. Республикада чақалоқлар ўлими 1994-2010 йиллар давомида 36,1 фоиздан 12,5 фоизга, оналар ўлими

ўрнатилган. Республикада юқумли касалликлар профилактикаси, асосан бошқариладиган юқумли касалликларга қарши специфик профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 1996 йилдан буён полиомиелит, ўта хавфли юқумли касалликлар, 2007 йилга нисбатан қорин тифи, эпидемик паротит, дифтерия, кўк йўтал, қизамиқ, қизилча касалликлари ҳисобга олинмаган. Шунингдек, республикада сўнгги йиллари дифтерия, полиомиелит, қоқшол, кўк йўтал, қизилча ва қизамиқ касалликлари рўйхатга олинмади. 2002 йили Ўзбекистон полиомиелитдан ҳоли ҳудуд эканлигини тасдиқловчи Жаҳон соғ-



лик пунктига айлантириш учун танлаб олинди, ҳар йили 10 та ҚВП ТошПТИ Нукус филиалига, 10 та ҚВП Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказига бириктирилди. Танлаб олинган 20 та ҚВПга капитал таъмирлаш ишлари маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар ёрдамида тўлиқ амалга оширилди. Аҳолига қўлайлиқлари яратиб мақсадида бугунги кунда 122 та ижтимоий дорихона шахобчаси ва ҚВПларда махсус фитобарлар ташкил этилди. Айни кунда 77 та ҚВПда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш давом эттирилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктларининг 184 таси (98,9 фоизи) замонавий стационар ва мобил телефон алоқаси билан таъминланган. 2009 йили Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказилган танловда «Энг намунавий ҚВП» номинацияси бўйича Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Ибн Сино» қишлоқ врачлик пункти 1-ўринни эгаллаб, «Дамас» русумли автомашина билан таъ-

минланган аҳамиятли ютуқларимиздан яна бири – хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш бўйича ижобий ишларнинг амалга оширилаётганлигидир. Ушбу йўналишни тубдан ислохот қилиш бўйича бир қанча қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, уларда белгиланган тадбирларнинг амалиётга татбиқ қилиниши давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 октябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва шу йилнинг 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли Қарори асосида оналар ва болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатувчи акушерлик ва гинекологик тиббиёт маркази ва кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ташкил қилиниб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу марказларда аёллар ва болаларга жаҳон стандартларига мос келадиган юқори малакали ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, қишлоқ аҳолисига, жумладан, аёллар ва болаларга бирламчи бўлиб кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати яхшиланиб, бу борадаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воюга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оши-

рилмоқда. Унга кўра, 51466 нафар аёл контрацепция воситалари билан таъминланди. Натijaда, исталмаган ҳомиладорлик ва туғруқларнинг олди олинишига эришилди. Онкологик касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш мақсадида аёлларни кўриқдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиалида бачадон бўйни саратони касаллиги скрининги фаолият кўрсатиб, Нукус шаҳридаги 4000 нафар аёлни йил охиригача бепул чуқур кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллигимизнинг шарофати туфайли акушер-гинеколог, анестезиолог, хирург, неонатолог мутахассислигидаги шифокорлар Япония, Туркия, Эстония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия ва Украина каби ривожланган мамлакатларда ўз малакаларини ошириб, чет эллик ҳамкабаридан ўрганган тажрибаларини аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга сарфламоқдалар.

«Саломатлик-2», «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» кўшма лойиҳалари асосида туғруқ мажмуалари ва республика қон

110,8 фоиздан 26,9 фоизга камай-

ди. Сўнгги 20 йил ичида аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда бўлса 75 ёшга ошди. Ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири, бу ҳудудда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария нazorати тўғрисида»ги Қонуни ижроси ва аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш, улар ўртасида

лиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган сертификат бунинг яққол исботидир. Республика аҳолисини эмлаш бўйича ҳам кўпгина ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Профилактик эмлаш календарига катта ўзгаришлар киритилди. Ўтган 2010 йил мобайнида республиканинг барча шаҳар ва туман Давлат санитария-эпидемиология нazorат марказлари ходимлари томонидан аҳолининг эпидемиологик хотиржамлигини таъминлашда маълум ишлар амалга оширилганлиги туфайли аҳоли орасида ўта хавфли юқумли касалликлар ва гуруҳли овқатдан заҳарланиш ҳолатлари қайд этилмади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 октябрдаги 2010 йилга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция Дастури ҳақида»ги ПҚ-1213-сонли Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида 5 та соғлиқни сақлаш объектининг янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирланиши режалаштирилиб, 7 млрд. 554 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари ўз вақтида якунланди. 2010 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил учун Инвестиция Дастури ҳақида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика ва шаҳар ичидаги даволаш-профилактика муассасаларини ўз ичига олган 10 та объектда қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Фахр билан айтиш мумкинки, ушбу замонавий даволаш муассасаларининг деярли барчаси мустақиллигимизнинг 20 йиллик қўлтуғ байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймастик ва ДСЭНМ моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикасида жами 17 та ДСЭНМ мавжуд бўлиб, улардан 1 та республика, 2 та шаҳар, 14 та туман нazorат марказлари ва бюджет ҳисобидаги 1 та шаҳар дезинфекцияловчи станцияси фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази томонидан атроф-муҳитнинг зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида одамларга зарар етказилиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларида атроф-муҳит (сув, атмосфера ҳавоси, tuppoқ) ифлосланиш даражаси устидан доимий лаборатория нazorати

Айтиш жоизки, истиқлолимизнинг ҳар бир йили соғлиқни сақлаш соҳасининг янги босқичга кўтарилишида, соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланишида аҳамиятли қадам бўлиши шубҳасиз.

Шукрулло ШОМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика бўлими бошлиғи.



Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг миллий модели шаклланган бўлиб, ушбу хизмат Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Республика-мизнинг барча туманларида унинг бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда юқори даражада тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Энг аҳамиятли жиҳатларидан бири, улар юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Ушбу хизматнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали ва унинг туман-

даланилмоқда. Унга кўра, 51466 нафар аёл контрацепция воситалари билан таъминланди. Натijaда, исталмаган ҳомиладорлик ва туғруқларнинг олди олинишига эришилди. Онкологик касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш мақсадида аёлларни кўриқдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиалида бачадон бўйни саратони касаллиги скрининги фаолият кўрсатиб, Нукус шаҳридаги 4000 нафар аёлни йил охиригача бепул чуқур кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллигимизнинг шарофати туфайли акушер-гинеколог, анестезиолог, хирург, неонатолог мутахассислигидаги шифокорлар Япония, Туркия, Эстония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия ва Украина каби ривожланган мамлакатларда ўз малакаларини ошириб, чет эллик ҳамкабаридан ўрганган тажрибаларини аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга сарфламоқдалар.

«Саломатлик-2», «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» кўшма лойиҳалари асосида туғруқ мажмуалари ва республика қон

Самарқанд вилояти: соғлом авлод — Ватан келажаги ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИБ

Ҳадемай юртимиз истиқлолнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Мана шу қисқа давр ичида ҳар бир соҳада айтишга арзиғулик муваффақиятларга эришилди. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, замонавий тиббиёт муассасалари қад кўтарди ҳамда мавжудлари қайта таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, улар юқори тиббий технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланди.

Айниқса, тизимда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналиш бўйича Самарқанд шаҳар 2-сонли туғруқ мажмуасида ҳам оналар ва болалар саломатлигини сақлаш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Туғруқ мажмуаси 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 50 ўрин I акушерлик, 35 ўрин эса II акушерлик, 3 ўрин I акушерлик бўлимига тегишли реанимация бўлимига, 25 ўрин ҳомиладор аёллар патологияси, 40 ўрин эса гинекология бўлимига ажратилган.

Фаолиятлар асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш ва-

зирлигининг буйруқлари бўйича олиб борилади. Аввало, мазкур қарор ва буйруқларнинг мазмун-моҳияти тиббиёт ходимлари ўртасида, қолаверса аҳоли орасида кенг татбиқ қилиниб, уни ижроси амалда бажарилади. Шифо масканимизда оналар ва болалар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Шунингдек, барча туғруқ заллари (3 та) керакли замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, туғиш арафасида турган ҳомиладор аёл ёнида унинг яқинларидан бири иштирок этишига рухсат берилган. Бундан ташқари, ойига етмай туғилган чақалоқлар учун махсус замонавий аппаратлар ҳамда туғруқ жараёнидаги операция ҳолатларида зарур бўладиган янги технологиялар

мавжудлиги ҳам ижобий натижаларга эришишимизда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли ва 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари бўйича ходимларимиз ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бордик. Шунингдек, мутахассислардан ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар қишлоқ врачлик пунктлари ходимларига амалий ёрдам бериш билан бир қаторда, аҳолига ҳам тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Бундан ташқари, ходимла-



римиз янги келтирилган аппаратларда мукамал ишлашлари учун пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-семинарларида иштирок этиб, малакаларини ошириб қайтдилар. Эзгу ниятларимиз соғлом онадан соғлом

фарзандни дунёга келтириш экан, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштириб, астойдил хизмат қилишга тайёрмиз, — дейди туғруқ мажмуаси бош врачлари Гулнора Жўраева.



ЭЗГУ НИЯТИМИЗ: ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ



Бўлажак онага мутахассиснинг ҳар бир маслаҳати дунёга келаётган фарзанди учун муҳим ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзанди соғлом ва баркамол бўлиб етишиши учун керакли тавсияларга амал қилсагина, кўзланган эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Лаборатория таҳиллари янги туғилган чақалоқларда ирсий касалликлар бор ёки йўқлигини тезкор аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин шу ўринда, аввало, мутахассиснинг касб малакаси ҳамда ҳушёрлиги талаб этилади.



Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда республика «Она ва бола скрининг» маркази ҳамда унинг вилоят филиаллари доимий тарзда фаолият юритиб келмоқда. Аввало, «Она ва бола скрининги» Давлат дастурининг мақсади: республикамиз миқёсида болалар ўлими ва ногиронлигининг олдини олишдир.

«Скрининг» сўзи «оммавий саралаш» деган маънони англатади. Она ва бола скрининги янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ҳамда уларга ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллаш имкониятини яратади...

Самарқанд вилояти «Она ва бола скрининг» марказида ҳам бу борадаги ишлар самарали кечаётганлигининг гувоҳи бўлиб қайтдик.

— Режага асосан вилоятнинг ҳар бир туманидан келаётган ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида назоратдан ўтиши, туғилажак фарзандлари соғлиги учун доимий эътиборда эканликларидан мамнунмиз. Шу билан бирга, марказда яратилган шароитлар, янги технологияларнинг мавжудлиги боис, мурожаат қилувчиларнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускунада ишлаётган ходимларимиз малакасини ошириб келаётганлигимиз ҳамда тарғибот ишларини кучайтирганлигимиз туфайли туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия хасталикларининг олди олинмоқда, — дейди марказ директори Нигора Фуломова.



Аёл учун ҳомиласи соғлигини эшитиш энг катта бахтдир. Ана шундай қувончли хабарни етказишда замонавий ультратовуш диагностикаси аппаратининг афзаллиги ҳеч биримизга сир эмас.

Қайсики бир «Она ва бола скрининг» марказига борманг, у ердаги энг сўнгги диагностика лаборатор асбоб-ускуналари туғилажак фарзанддаги мавжуд ирсий хасталикларни ўз вақтида аниқлаш имкониятини берибгина қолмай, балки ота-оналарни ҳам бу борада янада масъулиятли ва эътиборлироқ бўлишга ундаши табиий.



Устозлар ёди абадий

ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИНГ САРҲАДСИЗ ЙЎЛЛАРИ



Тиббиёт шу қадар кўп қиррали фан бўлиб, изланган сари излангинг келаверади. Лекин, уйқусиз тунлар, машаққатли меҳнатлар мутахассисдан йиллаб масъулият талаб қилади. Ана шундай ўз касбининг жонкуяри, тиббиётда ўзига хос мактаб яратиб кетган фидойи инсон, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Беруний давлат мукофоти совриндори Исҳоқ Қурбоневич Мусабоевдир.

Фанимиз ривожи ва тараққиёти учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган тиббиётимиз дарғаси ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, бўлажак шифокорлар учун битмас-туганмас ҳазина бўлган билимлар уммонини яратиб кетган экан, бундан ҳар бир тиббиёт ходими унумли фойдаланиб, амалий фаолиятлари давомида тўғри қўллаб, касбий маҳоратларини оширган ҳолда дастуриламал сифатида фойдалансалар, устозлари берган ўғитнинг халқимиз саломатлиги йўлида нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эғалигини англаб етишлари табиий.

Исҳоқ Қурбоневич Мусабоев 1910 йилнинг 22 октябрида Фарғона қишлоғининг Фарғона туманига қарашли Новкат қишлоғида таваллуд топган. У даставвал меҳрибон отаси, синглиси, кейинроқ эса волидаи муҳтарамасидан айрилади. Касалликдан азият чеккан ва унинг кўз олдига жон берган ота-онаси ҳамда синглисидан жудо бўлган мурғак қалб келажакда шифокор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Қалби ўксик, ўқишга ташна бўлган олимнинг ёшлиги етимхонада ўтади. Интернат директори болажон, кўнгли тоза инсон экан, у Исҳоқжонни ўз фарзандидек кутиб олди. У интернатни аёло баҳоларга тугатгандан сўнг 6 нафар иқтидорли талаба қаторида Самарқанд тиббиёт техникумига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди. Ва 1930 йили Фарғона тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, курсдошлари орасида билимга бўлган интилувчанлиги билан ажралиб турарди. Мазкур билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган Исҳоқжонга Самарқанд Давлат тиббиёт институтига кириш учун йўлланма берилди. У институтда ўқиб юрган кезларидаёқ, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини сифатида фаолият олиб борди ва бўш вақт топди дегунча лабораторияга югуриб, оқ сиқон ҳамда кўёнларда юқумли касалликларнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва давосига оид илмий тадқиқотлар ўтказишдан чарчамади. Етук мутахассис Самарқанд туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири лавозимида уч йил давомида меҳнат қилди. Бу пайтлар 1935-1938 йилларга тўғри келиб, у вақтда безгак, бруцеллёз, ич терлама касалликлари аҳоли орасида кенг тарқалган эди. Шу боисдан бўлса керак, у “Ич терлама (қорин тифи) касаллигининг давосида қон қуйишнинг аҳамияти” мавзусида илмий ишларини ниҳоясига етказди. Илмий иш ҳимоясига бир неча кун қолганида уруш бошланиб қолди. Аҳоли саломатлигини сақлашда фаол иштирок этиб келган Исҳоқ Қурбоневич 1941 йилнинг декабрь ойи-

гача ўз ўрнида ишлаб, кейин эса фронтга отланди. Ўша йили республикамизда Ўрта Осиё миллатига мансуб йигитлардан махсус дивизия тузилди ва Исҳоқ Мусабоев у ерда жанговар-шифокор сифатида фаолият кўрсатиб, шу билан бирга маънавий ишларини ҳам олиб борди. 1942 йилнинг май ойида уни фронтдан чақириб олдилар. Ёш, интилувчан, илмий салоҳият йўлида ҳаракат қилган шифокор Тошкент тиббиёт институтига номзодлик диссер-

1951 йилгача шу кафедранинг мудири сифатида иш олиб борди. Айниқса, шу вақтларда юқумли касалликлар халқ орасида кўпайиб кетган эди. Бу борада Исҳоқ Қурбоневич касалликни бартараф этишда фаол иштирок этиб, тарғибот ишларига катта эътибор қаратди. У раҳбарлик вазифасини бажариш билан бир қаторда, илмий изланишларни ҳам тўхтатмади ва 1951 йилнинг 23 февралда Москвада “Ич терлама касаллигида жигарнинг фаолияти” мав-

вақт ҳаётдан кўз юмганига ишонч ҳосил қилдим.

Устоз 1952 йили Ўзбекистонда эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтини очишга эришганидан кейин узок йиллар бу қутлуғ даргоҳда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди. 1963 йили Исҳоқ Мусабоевни эпидемиологлар, микробиологлар ва юқумли касалликлар бўйича илмий жамият раиси этиб сайладилар. Шу сабабли мазкур фанлар бўйича

малакасини оширишга келган шифокорларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, шу ном ва йўналишдаги кафедранинг бошқарди. 1964 йили Венгрияда бўлиб ўтган Микробиологларнинг халқаро анжуманида қатнашиб, мамлакатимиз мутахассислари номидан маъруза қилди. Муҳокамада мунозаралар бўлди, кўплаб касалликларни ядрохимикатлар билан заҳарланиш деб баҳолашди. Шу йилнинг ўзидаёқ, Исҳоқ Мусабоев собиқ Тиббиёт Фанлар



Устоз ҳаётларидан бир лавҳани эсладилар:

– Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг Гурлан туманида тарқалган, юзлаб одамларнинг ҳаётига хавф солган вабо касаллиги тўғрисида сўзлаб бериш мен учун ниҳоятда оғирдир. Аммо, тарихий ҳақиқат қачонлардир юзага чиқиши ва келажак авлодларимиз унинг бутун иқир-чиқирларидан тўлалигича бохабар бўлиши лозим, – дея таъкидладилар. – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан вабонинг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида аста-секин тарқалаётганлиги тўғрисида ташвишли хабарлар берилди ва 1965 йилда эса унинг кўлами ниҳоятда кенгайиб кетди. 1965 йилнинг 6 августи, кеч соат 17.00 атрофида ишдан келиб чой ичиб ўтирсам, вазир Б. Маъзумов кўнгирак қилиб Хоразм ва Қорақалпоғистонда қандайдир касаллик тарқалганлиги ва ундан кўплаб одамлар хасталаниб, ҳаётдан кўз юмаётганлигини ташвиш аралаш гапириб берди ҳамда шошилинч сафарда бўлишимни буюрди.

Эртаси соат 10.00 лар атрофида Нукусда бу мавзуга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирини Рем Маметович Бобоназаров мазкур ҳолат хусусида маълумот берди ва сўзининг якунида: “Бу аллақандай химикат билан заҳарланишга ўхшаб кетади”, деди. Шунда мен сўзга чиқиб:

– Қандай қилиб касалнинг ўзини кўрмасдан туриб, унга ташхис қўйиш мумкин? Бу тахминлар нотўғри бўлиши турган гап-ку, – дедим.

Шундан кейин касалларни ўрганиш учун менга уч соат муддат берилди. Биринчи қадамни Нукус юқумли касалликлар шифохонасидан бошладик. 100 ўринга мўлжалланган касалхонага 300 дан ортиқ бемор аралаш-қуралаш жойлаштирилган бўлиб, янги келганлар вафот эта-

ётганлар билан қўшилиб ётарди, на тартиб, на интизом бор эди. Тиббиёт ходимлари қўли-қўлига тегмайди. Республика Марказий шифохонасининг терапия бўлимида аҳвол ундан ҳам баттар, ўлим ҳолати 30 фоиздан ортиқ бўлиб, беморлар шунчалик сувсизланиб, жонсизланиб қолган эдиларки, биз ҳатто уларга ёрдам ҳам беролмай қолар эдик. Мурдаларни синчиклаб текшириб кўрдим, терилари чармдай қат-қат бўлиб кетган, кўзлари ичига ботган, хуллас вабонинг алгид шаклини эслатарди. Бу мени ўта тушкунликка солди, сабаби, ҳали вабо ташхиси микробиолог йўли билан исботланмаган, агар ушбу ҳолат бўйича вилоят ҳокимлигида фикримни айтсам, қаттиқ хужумга учрашим тайин, лекин ҳақиқатни айтишга қарор қилдим. Раислик қилувчи М. Мусахонов дарҳол менга сўз берди. Маълумотларимни мажлис аҳлига тақдим қила туриб, сўзимнинг охирида: “Клиник, дифференциал киёс ва эпидемиологик нуқтаи назаридан қаралганда гарчанд ҳали лаборатория йўли билан тасдиқланмаган бўлсада, бу вабонинг айнан ўзидир”, “Бўлиши мумкин эмас”, хуллас, анча шовқин-сурон ва зиддиятлардан кейин фикримни асослаб бера олдим. Эпидемияга қарши йўриқнома ишлаб чиқиш комиссияси раиси этиб мен тайинландим, комиссияга аъзо қилиб А. Зоҳидов, И. Шифрин, А. Петрова, Б. Маъзумовлар киритилди. Тез фурсатда Қорақалпоғистон ва Хоразмда факулдада ҳолат эълон қилиниб, карантинга олинди, икки-уч соат ичида шошилинч чоратадбирлар тўғрисида йўриқномалар ишлаб чиқилди. Орадан бир кун ўтмасдан мен вабо вибрионларини микроскоп орқали топиб, ташхисни ойдинлаштириб бердим. Шу тариқа юзлаб фуқароларимизнинг ҳаётига таҳдид солган эпидемиянинг олди олинди.

Улуғ замондошимиз Исҳоқ Қурбонвичнинг яратган илмий-тиббий мактаби, шунингдек, соҳада қилган ихтиро ва кашфиётлари, бой мероси нафақат республикамизнинг, балки жаҳон тиббиёти фани тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшганлигини эътироф этиш жоиздир. Зеро, устоз ҳаёти ва фаолиятининг серқирралиги, ибратли умр йўли тўғрисида юзлаб мақолалар, ўнлаб рисолалар битилган ва кинофильмлар яратилган.

Бетакрор ноёб истеъдодга эга бўлган устозимиз Исҳоқ Қурбонвич Мусабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Яратиб кетган нуфузли мактаби етишига чиқётган ёш кадрлар учун ҳам илмнинг ўчмас чирогига айланиб бораверади.

Ибодат СОАТОВА, журналист.

тациясини химоя қилди ва шошилинч равишда Термиз шаҳрига жўнаб кетди. У ерда одамлар юқумли касалликлардан азият чекаётган эдилар. Исҳоқ Қурбонвич бор билим ва тажрибасини ишга солиб, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш ва даволашда астойдил меҳнат қилди.

Фидойи инсон 1944-1949 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедрасида доцент,

зусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

– Мен раҳматли онамнинг ўлим олди ҳолатини ҳеч қачон кўз олдимдан кетказма олмайман, – дейди домла аллақандай бир ички дард билан. – Унинг баданида тошмалар тошиб кетган, алангаю-оташ бўлиб ёнар, ич оғриғидан қаттиқ қийналаётган эди, мен учун энг азиз инсон – волидамнинг айнан мана шу хасталиқдан бе-

К 20-летию независимости

ДОСТИЖЕНИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ВИРУСОЛОГИИ

Научно-исследовательский институт вирусологии был организован 27 декабря 1978 года. С 11 марта 1994 года постановлением № 134 Кабинета Министров Республики Узбекистан вошел в состав Академии наук Республики Узбекистан. С 2000 года постановлением Кабинета Министров РУз № 118 от 30 марта институт был переведен в систему Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

Основными направлениями института являются осуществление научно-методической и координационной деятельности в области инфекционных болезней и оказание населению высококвалифицированной специализированной медицинской помощи по диагностике, лечению и профилактике инфекционных заболеваний.

Институт работает по следующим направлениям: вирусные гепатиты, ВИЧ/СПИД, природно-очаговые вирусные инфекции, острые респираторные вирусные инфекции, кишечные инфекции.

Изучаются эпидемиологические аспекты, патогенетические механизмы, клинические проявления, исходы, осложнения и методы терапии вирусных гепатитов с энтеральным (А и Е) и парентеральным механизмом передачи (В, С, Д). Разработаны диагностические методы исследования вирусных гепатитов, в том числе гистологические методы. Внедрена современная молекулярно-генетическая диагностика вирусных инфекций методом полимеразой – цепной реакции (ПЦР), которая дала возможность определения геномов вирусов гепатитов А, В, С, Д, Е, TORCH инфекций, актуальных для Республики Узбекистан, что позволяет своевременно и качественно проводить лечение данных инфекций.

Впервые в Узбекистане проводится расшифровка нуклеотидной последовательности генома вирусов методом ПЦР для определения генотипа вируса, мутация генов. Внедре-

